

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**Молия-иқтисод факультети**

**“Молиявий назорат” фанидан**

# **КУРС ИШИ**

**Мавзу:** Ўзбекистон Республикасида жамғарма пенсия фонди ва уни самарали бошқариш усуллари

**Бажарди:** ММ-54 гуруҳ

**талабаси Зайниддинов Ф.**

**Илмий раҳбар: Х.Ахмедов**

**Тошкент –2012**

## **Кириш**

1. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ташкил этиш зарурлиги ва ҳуқуқий асослари
2. Ўзбекистон пенсия жамғармасининг даромадлари шаклланиш манбалари ва харажатлари йуналишининг тахлили.
3. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ташкил этишнинг хориж тажрибаси ва мамлакатимизда қўллаш имкониятлари.

## **Хулоса**

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг кучли томонларидан бири унинг ижтимоий йўналтирилганлигидир. Аввал бошидан ҳукуматимиз ислохотларни меҳнаткашлар ҳисобидан эмас, аҳолини хусусан унинг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш йўлини танлаб, шу йўлдан оғишмай бормокда.

Оқилона ижтимоий сиёсат юритиш учун эса мукамал ижтимоий ҳимоя тизимига эга бўлиш керак. Бу тизим республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини, айниқса, иқтисодий ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб яратилиши керак. Маълумки, Ўзбекистон ўзига хос демографик хусусиятларига эга. Бу айниқса Республикада туғилишнинг юқори эканлигида кўринади. Аҳоли умумий таркибида меҳнатга лаёқатсиз аҳоли салмоғининг юқори экани ҳукумат олдида қўшимча мажбуриятлар қўяди, яъни меҳнатга лаёқатли аҳоли ишлаб чиқаришда қатнашади, солиқлар тўлайди ва ана шу солиқлар ҳисобига ижтимоий ҳимоя учун зарур маблағлар шаклланади. Демак, аҳолининг бу табақасини нисбатан кўпроқ бўлиши давлатга ижтимоий муаммоларни нисбатан осонроқ очилишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг юқори турмуш даража-сини таъминлаш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга асосланган демократик жамият қуриш каби мақсадли вазифа қўйилар экан, бунда давлат мақсадли жамғармаларининг, хусусан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳозирги ва истиқ-болдаги ривожланишининг хусусиятларини ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ.

Ўзбекистонда пенсия таъминоти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг муҳим таркибий қисмларидан биридир, чунки у деярли барча фуқароларнинг ҳаётий манфаатлари билан боғлиқдирки, фуқаролар меҳнат

қобилиятларини йўқотганларида шу тизим орқали ижтимоий ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши билан характерланди. Ушбу қонун ва ҳукумат томонидан қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар амал қилаётган пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Бу қонуннинг моҳиятини пенсионерларнинг жамиятда тутган ўрни, уларни бозор иқтисодиёти шароитида ҳуқуқий ҳимоялаш, пенсия миқдорини бевосита меҳнат стажининг давомийлиги ва иш ҳақи миқдорида боғлиқлигини таъминлаш ташкил этади.

## **1. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ташкил этиш зарурлиги ва ҳуқуқий асослари**

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим шартларидан бири ҳар бир шахснинг ўз манфаатларини биринчи навбатда ҳимоя қилиши, ўз имкониятларини ифодалашидир. Давлат фуқаролар ўз турмуш даражаларини оширишлари учун уларга тегишли қонунлар тизими орқали зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиши ва уларнинг бу борадаги интилишларини қўллаб-қувватлаши лозим. Бозор муносабатлари ривожланиши, иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги ўзаро нисбат ўзгариб борган сари бу икки омил, албатта, ижтимоий таъминот тизимига ўз таъсирини кўрсатиши керак.

Жаҳон тажрибасида пенсия таъминотини молиялаштириш ва бошқариш механизмнинг уч хил тури кўп учрайди.

1. Барча мамлакатларда кенг тарқалган жорий тушумлардан молиялаштириладиган давлат трансферт дастурларини амалга ошириш.

2. Ихтиёрий ва мажбурий шахсий жамғарма режаларини амалга ошириш (ихтиёрий якка жамғармалар барча мамлакатларда мавжуд солиқ рағбатлари билан мустаҳкамланади, бунда ишловчилар ва пенсионерлар ўз жамғармалари бўйича инвестицион таваккалчи-ликка йўл қўяди).

3. Иқтисодий инқироздан инфляциядан, жамғармаларни йўқо-тишга ва кадрсизланишга олиб келадиган инвестицион рисклардан ҳимоя қиладиган суғурта тизимини ривожлантириш.

Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ташкил этилиши жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва таъминлаб туришнинг асосий шарт-шароитларидан биридир деган хулосага келиш мумкин.

Республикамиздаги аҳолининг ижтимоий таъминотини кучайтириш ҳамда пенсионерларнинг фаровонлигини қўшимча равишда ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли қарорига биноан «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан қуйидагилар белгиланди:

- 2005 йил 1 январдан бошлаб амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилди;

- 2005 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақами фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади;

- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромад)нинг бир фоизи миқдорида амалга ошириш;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида қатнашадиган фуқаролар томонидан шахсий пенсия ҳисоб рақамларига бадаллар миқдори ва тўлаш муддатлари мустақил равишда белгиланиши ва бошқалар.

Шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағларини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Марказий банк бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 88-сон ва 282-В-сон қарори билан «Жамғариб бориладиган Пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низоми тасдиқланди. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, жамғарилиб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит

ресурслари сифатида, шу жумладан молиявий воситаларга жойлаштириш тартибини белгилаб берди.

Ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Марказий банки номидан Халқ банки томонидан омонатчиларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади ва Низом асосида бошқарилади.

Пенсия тизимини молиялаштиришдаги ислоҳотларни тезликда амалга ошириб бўлмайди, уларни республикада бошқа ислоҳотлар билан жумладан, меҳнат бозоридаги, солиқ тизимидаги, молия ва кредит тизимидаги ислоҳотлар билан биргаликда амалга ошириш лозим. Пенсия тизимини молиялаштириш бўйича ислоҳотларни амалга оширишда миллий урф-одатларимиз, оилаларга, қарияларга ёрдам эътиборга олиниши керак. Пенсия тизимини молиялаштиришда Давлат бюджетидан молиялаштириш сақланиб қолиниши лозим. Пенсия тизимини молиялаштиришдаги ислоҳотларни ҳар томонлама мукамал дастурлар орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ислоҳотларнинг бу дастурлари пенсия ёшидаги қарияларни даромадларини кафолатлашнинг самарали механизмига таяниши зарур.

Пенсия жамғармаларининг моҳиятини белгилашда уч ёндашув кўрсатилади, яъни унинг ижтимоий таъминот учун мўлжалланган маблағлар эканлиги; мустақил молия-кредит ташкилоти; ижтимоий йўналишдаги бюджетдан ташқари жамғарма эканлиги эътироф этилади.

Пенсия жамғармаларини фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурий ва ихтиёрий жамғарма бадаллари, давлатнинг молиявий иштироки асосида шаклланивчи ва муайян жамғарма ташкил этган аҳоли тоифаларига тўловларни амалга ошириш ва ижтимоий ҳимоялаш учун мўлжалланган мустақил пул жамғармалари сифатида таърифлаш имконини беради.

Пенсия таъминоти молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг йирик оқими бўлиб, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурслар ва даромадларнинг



макроиқтисодий доиравий айланишига, аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Пенсия тизими билан иқтисодиётнинг бошқа қисмлари узвий боғлиқ бўлиб, тўғри ташкил этилган пенсия тизими иқтисодиётни инвестициялашнинг молиявий манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тўловларни олишга қатъий ишонч ишловчини меҳнат унумдор-лигини оширишга интилишини сусайтиради, деган ғоялар асосли эмас. Ишловчиларнинг пенсия жамғармасига тўловлари, иқтисодий нуқтаи назардан уларнинг иш ҳақининг бир қисмидир. У киши кучининг қийматига киради, аммо тўловлар институционал муайян кечиктирилган муҳлатда амалга оширилади. Бу ишловчиларнинг пенсия жамғармасига қўйган ва қайтарилиши лозим бўлган ўзига хос мақсадли улуши, омонатидир. Ёлланма ишловчини самарали меҳнатга ундовчи сабабларнинг юқори даражаси бир томондан, пенсия миқдорининг тегишли яшаш минимумига нисбати, пенсия тўловларининг харид имкониятига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ишловчининг малака даражаси ишлаган даврлари мобайнида меҳнат фаолиятининг интенсивлиги даражасига боғлиқдир. Пенсия миқдорининг меҳнат фаолияти мобайнида оладиган иш ҳақи миқдори билан бевосита боғлиқлиги самарали меҳнатга рағбатлантириш имконини беради. Бу ўринда муайян қонуниятни аниқлаш мумкин, яъни пенсия тизими орқали ҳимоялаш даражаси фуқароларнинг индивидуал молиявий иштирокига тўғри, даромадларни қайта тақсимлаш даражасига тескари мутаносибликда бўлади.

Давлат томонидан амалга ошириладиган марказлаштирилган жамғариш ёки ишловчилар иш ҳақининг бир қисмини бадал кўри-нишида пенсионерлар фойдасига ундириш пенсия тўловлари манбаининг ишончли асосини таъминлайди. Бу имконият нафақат эмиссия йўли билан, балки ижтимоий сиёсат доирасида зарурий ҳолларда иш ҳақи миқдорини жорий иш ҳақи ва пенсия ажрат-маларига тақсимлашга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Татбиқ этилаётган авлодлар бир-дамлиги қайта тақсимлаш тамойилига асосланган бўлиб, пенсия тизими

ишловчиларнинг тегишли молиявий муассасаларга хусусан, жамғариладиган пенсия жамғармаларига маблағлар қўйишини ин-кор этмайди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимига бадалларни қайта тақсимлашнинг давлат механизми ёрдами билан индивидуаллаштирилган ҳисобрақамлардан фойдаланган ҳолда, молиявий таъминлаш, пенсия тизимини ташкил этишнинг ўзига хослиги, белгиланган ягона бадалларни ҳисобга олиб, пенсия миқдорини белгилаш кабилар ҳосдир. Жамғариб бориладиган пенсияни олиш учун муайян жамғарма стажига эга бўлиш ва қонунда кўрсатилган пенсия ёшига етиш зарур. Жамғариш тамойилига асосланган пенсия тизимида бадаллар капиталлаштирилади ва пенсия ҳисоби индивидуал ҳисоб асосида шакллантирилиб борилади, шахсий ҳисобларда жамғарилган жамғарма бадаллари пенсия даражасини белгилайди.

Жамғариладиган пенсия тизимлари ҳукуматнинг молиявий кафолатларидан фойдаланади, улар даромадни таъминлаш имкони-ни берувчи молиявий бозорларнинг иштирокчиларига айланади. Натижада пенсия тўловлари ишловчиларнинг нафақат пенсияга чиққунга қадар бўлган иш ҳақидан, балки, меҳнат фаолияти мо-байнида тўланган бадаллари миқдорига фоизни ифода этади.

Бир марталик қайта тақсимлашда пенсия тизимидан фарқли равишда жамғариб бориладиган пенсия тизимида жамғарма бадаллари нисбатан юқори даражада белгиланади ва тегишли захира фонди шакллантирилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг қўлланиши мавжуд пенсия тизимидаги камчиликларни камайтириш ва унинг афзаллигини кучайтиришга йўналтирилгандир. Бундай таркибни умумлашган уч даражали тизим шаклида тасаввур қилиш мумкин:

◆ давлат назорати остида амалга оширилувчи умумий ва мажбурий пенсия тизими. Мазкур моделда пенсия миқдори иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлади, иш берувчи ва ёлланма ишловчидан олинadиган бадалларни қайта тақсимлаш тамойили асосида молиялаштирилади;

◆ мажбурий жамғарма тизими орқали бериладиган ва минимал

жамғарма стажини "тўплаган" кишилар учун давлат бюджети дотациясидан фойдаланувчи ижтимоий пенсия тизими;

## **2. Ўзбекистон пенсия жамғармасининг даромадлари шаклланиш манбалари ва харажатлари йуналишининг тахлили.**

Умумдавлат молияси таркибидаги буғинлар ичида давлат бюджетидан кейин ҳажми ва истеъмолчиларни қамраб олиш кўлами ҳамда ижтимоий аҳамияти бўйича иккинчи ўринда турадиган марказлашган жамғармалардан бири бу бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 459-сонли қарорига мувофиқ асос солинган. Ҳар бир янги ташкил этилган марказлашган жамғарма олдида муайян мақсад қўйилгани боис, ушбу жамғарма олдида ҳам зарур мақсад қўйилди. Жумладан: “Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг бош мақсади – давлат томонидан кафолатланган пенсия таъминоти тизимида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, даромадларга мўлжалланган мажбурий бадал, йиғим ва ажратмаларни тўлиқ йиғилишини таъминлаш, шунингдек, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш учун молиялаштириш чора-тадбирларини ўз вақтида ва тўлиқлигича таъминлашга эришиш”.

Ҳозирги кундаги Пенсияерлар сони – 2,8 млн. нафар, ногиронлар сони 812 минг нафар: шулар жумласидан, болалиқдан ногиронлар 235 минг нафар, ногирон болалар 122 минг нафар, ўзгалар ёрдами ва қаромоғига мухтож ёлғизлар 30 минг нафарни ташкил этмоқда. Ушбуларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва адресли ёрдам бериш ўз навбатида, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкил этишга асос бўлади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг асосий вазифаларидан бири, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунни ҳаётга тадбиқ

этишга қаратилган. Қайд этилган қонуннинг 2- моддасида қуйидаги кўринишдаги давлат пенсиялари зикр этилган:

- ёшга қараб;
- ногиронлиги бўйича;
- боқувчисини йўқотганлиги бўйича.

Бундан ташқари 1995 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1289 –сонли Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонда кўзда тутилган масалалар шундан иборатки, 1996 йил 1 январдан бошлаб, ишлаётган, хизмат кўрсатаётган ва иш бажараётган пенсионерлар учун мўлжалланган, белгиланган пенсиянинг 50 фоизи тўланиши назарда тутилган. Аммо, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ёхуд шуларга тенглаштирилганлар, 1-2 гуруҳ ногиронлари, Чернобиль катастрофасини бартараф этишда иштирок этиб ишлаётган пенсионерлар бундай тадбирдан мустаснодир. Улар белгиланган пенсияларини тўлиқ 100 фоиз миқдорда олиши белгиланган. “Барибир, ғазна мажбуриятининг охири эгалари учун фойда томони ғазна мажбуриятини солиқдан озод қилишга алмаштиришдир. Ғазна мажбурияти эгаларининг ғазна мажбуриятларини солиқдан озод қилишга алмаштириш тўғрисидаги аризасига биноан аризачилар солиқ тўлаш бўйича (жарима ва пенялар қўлланилмайди) муддат олади. Ғазна мажбуриятлари ёрдамида турли солиқларни, жумладан, давлат бюджетига тўловларни тўлаш, шунингдек, улардан пенсия фондига тўловлар сифатида фойдаланиш мумкин”<sup>1</sup>.

2004 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 490- сонли “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқарувини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, Пенсия жамғармаси 2005 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси мақомини олди. Шунингдек, қарор билан бюджетдан

---

<sup>1</sup> Қосимова Г. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. –Т.: Иқтисод-молия. 2008. -319 бет.

ташқари Пенсия жамғармасини бошқарув кенгаши ва уларнинг таркиби ҳам белгилаб қўйилди.

Бошқарув кенгаш таркибиги қуйидаги вазирлик ва идора раҳбарлари ёки уларнинг муовинлари киритилган. Жумладан:

- **Кенгаш раиси**, Ўзбекистон Республикаси Молия вазири;

- **Кенгаш раиси муовини**, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги;

**Аъзолари:**

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк раисининг муовини;

- “Халқ банки” бошқаруви раиси;

- “Ўзбекистон почтаси” ОАК бош директори;

- “Нуроний” республика жамғармаси бошқаруви раиси.

Қайд этилган қарорга мувофиқ, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини тезкор мувофиқлаштириб турувчи Ижрочи дирекцияси тасдиқланган. Ижрочи директор ва унинг таркибидаги персоналлар функционал мажбурияти қуйидагича тақсимлаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг давлат томонидан кафолатланган ижти-мой таъминотга ва ижтимоий суғуртага бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларининг махсус, мақсад-ли, бюджетдан ташқари ҳисобрақамларида давлат ижтимоий суғурта-сига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни жамлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсиялар ва ижтимоий нафа-қалар, шунингдек, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тўлашга харажатларни малағ билан таъминлашдан иборат.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижрочи дирекцияси тузулмаси<sup>2</sup>**



<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президент Қарори 30.12.2009 й. N ПҚ-1252

Хизматчиларни чегараланган умумий ҳисоби - 34 та

Шу каторда бошқарув хизмати-24 та

«Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигига бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқариш бўйича қуйидаги функциялар юклатилди»<sup>1</sup>:

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари келиб тушиши ва уларни сарфлашнинг ҳар йилги ҳамда чорақлар бўйича прогноз балансларини шакллантириш;

- пенсиялар, шунингдек, ижтимоий таъминот органлари томонидан тўланадиган нафақаларни ўз вақтида ҳисоблаш ва тўлаш;

- пенсиялар, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тўлаш харажатларини маблағ билан таъминлаш;

- пенсиялар, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тўғри ҳисобланишини ҳамда уларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш.

Қуйидаги жадвалда қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари тўғрисида маълумот берилган.

Мазкур Қарорга асосан суғурта бадалларининг миқдори тўловчи-ларга солиқ органлари томонидан етказилади ва Пенсия фондига тўланадиган мажбурий тўловлар солиқлар ва йиғимларга тенглаш-тирилади. Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг даромадлари ва харажатлари ҳар йили жамланган бюджетнинг таркибига киритилади. Иш ҳақи фондидан ажратмалар ва суғурта бадаллари бўйича ҳисо-ботлар ҳар чорақда солиқ инспекциясига топширилади. Иш ҳақининг иккинчи ярми тўланадиган кунда пенсия ва нафақалар ҳам тўланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 444-сон «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари**

1	Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг, шунингдек, деҳқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий суғурта бадаллари
2	Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари
3	Сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий ҳажмидан мажбурий ажратмалар
4	Муддатидан олдин ва имтиёзли пенсиялар тайинланиши муносабати билан қопланадиган маблағлар
5	Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ регресс талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағлар
6	Суғурта бадаллари ўз вақтида тўланмаганлиги ва маблағ ажратилмаганлиги учун ҳисобланган жарималар ва пенялар
7	Юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 444-сон «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори*

Биз қуйидаги жадвалда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тортиш объектларини кўришимиз мумкин.



**Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига  
мажбурий ажратмаларга тортиш объектилари**

№	Тўловчилар	Ажратмаларга тортиш объекти	%
1	Воситачилик (топширик) шартномалари бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар	ҚҚС чегирилган ҳолда воситачилик ҳақи суммаси	1.6
2	Тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари	Товар айланмаси хажми, ҚҚСни чегирган ҳолда	1.6
3	«Уздонмаҳсулот» АЖ корхоналари	Устама нарх ва чегирма, ҚҚСни чегирган ҳолда	1.6
4	Тижорат банклари, кредит уюшмалари, микромолиялаш ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув пунктлари), аукционлар, видео ва аудио касеталарни кўпайтириш ва ижарага беришдан, шунингдек оммавий концерт томоша тадбирларидан даромад олувчи корхоналар	Даромад	1.6
5	Лизинг хизмати кўрсатадиган корхоналар	Лизингга берувчининг даромади (Маржа)	1.6
6	Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув таъминоти ва газ таъминоти корхоналари	Маҳсулот (ишлар, хизматлар), сотилиш хажми, ҚҚСни ва тегишли иссиқлик таъминоти корхоналари учун	1.6
7	Қурилиш, қурилиш монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа қидирув ва илмий тадқиқот ташкилотлари	ҚҚС чегирилган ҳолда, ўз кучлари билан бажарилган ишлар хажми	1.6
8	ДАЖ «Ўзбекэнерго», «Ўзбекнефтегаз» ва уларнинг корхоналари	Маҳсулот сотилиш хажми, электр энергия ва табиий газ бўйича якуний истеъмолчига солиш хажми, ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда	1.6
9	Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари	ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш хажми	1.6

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПП 1449-сон қарорига №24-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1245-сон Қарорида мажбурий тўловлар ва ажратмаларнинг миқдорини ўзгариши берилган. Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, юридик шахсларнинг иш ҳақи фондидан «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма»га тушадиган маблағлар учун белгиланган ставка 2005-2006 йилларда 0,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб 0,1 фоизни ташкил этган. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тушадиган маблағлар учун ставка 2007-2008 йилларда 23,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 24,8 фоиз қилиб белгиланди.

**-жадвал**

**2005-2010 йилларда юридик шахсларнинг иш ҳақи жамғармасидан  
ягона ижтимоий тўлов**

<b>Йиллар</b>	<b>2005</b>	<b>2006</b>	<b>2007</b>	<b>2008</b>	<b>2009</b>	<b>2010</b>
Ягона ижтимоий тўлов ставкаси	31,0	25,0	24,0	24,0	24,0	25
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	30,0	24,2	23,5	23,5	23,6	24,8
Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма	0,5	0,5	0,3	0,3	0,2	0,1
Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши	0,5	0,3	0,2	0,2	0,2	0,1

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари

«Ўзбекистон Республикаси Пенсия фондига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби бузилганда хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазолар қўлланилади. Жумладан, тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пеня ҳисобланади, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан эса амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарлик чора-тадбирлари қўлланилади»<sup>3</sup>.

Кейинги йилларда Пенсия жамғармаси даромадининг шаклланишида бадаллик тўловини тўлаш интизомининг бузилиши ва Пенсия жамғармаси харажатларида эса Пенсия жамғармаси бошқарув аппарати органларининг таъминлаш соҳасига сарфланадиган маблағларнинг кўпайиши, ҳарбий хизматчиларга тўланадиган пенсия ва нафақаларнинг улуши ортиб бориши кузатилмоқда. Шу билан биргаликда меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳолини чет эл мамлакатларига шартномалар орқали жўнатиш ва ишлаган вақтида топган даромадидан Пенсия жамғармасига бадал тўлашдаги иштиро-қилини таъминлаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда жамғарманинг вақтинча бўш ресурсларини тижорат банкларидаги муддатли депозитларга ҳамда қисқа муддатли давлат облигацияларига жойлаштириш ишларини янада тезлаштириш керак.

Келтириб ўтилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пенсия жамғармаси даромадлари таркибида асосий ўринни меҳнат ҳақи фондига нисбатан ягона ижтимоий тўловдан ажратмалари эгаллаган. Яъни 2007 йилда бу кўрсаткич 64,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб 62,4 фоизни ташкил қилган. Буни қуйидаги диаграммалардан ҳам кузатишимиз мумкин. Пенсия жамғармаси даромадлари 2007 йилда 1833750.1 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 5326015.7 млн сўм режалаштирилган.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги 498-сон Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 2-сон. 18-бет.



- жадвал


Давлат пенсия жамғармасининг даромадалари<sup>4</sup>

(фоизда)

Т/р	Кўрсаткичлар	2007	2008	2009	2010
	Жами даромадлар	100	100	100	100
1	Йил бошида кутилаётган қолдиқ	1,5	0,05	5,4	4,7
2	Даромадлар	89,3	95,4	95,2	95,2
	Шу жумладан				
-	Меҳнат хақи фондига нисбатан ягона ижтимоий тўловдан ажратмлар	64,6	67,1	59,2	62,4
-	Аҳоли иш хақи фондидан мажбурий суғурта мукофотлари	6,8	6,9	8,7	10,0
-	Товар (хизмат, иш)ларнинг сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар	15	18,27	12,9	18,32
-	Бошқа даромадлар	2,9	3,1	4,5	4,5
3	Давлат бюджетидан дотация	2,6	2,4	2,7	-
4	Давлат Мулкани хусусийлаштиришдан тушумлар	3,3	2,2	1,4	-
5	Йил охирида Республика йўл фонди қолдиқ маблағлари ҳисобидан тушум	3,3		5,3	-

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-2009 йилдаги Ўз.Р.Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари тўғрисидаги (ПҚ-532, ПҚ-744, ПҚ-1024, ПҚ-1245) қарорлари

2010 йил



- Йил бошида кутилаётган қолдиқ;
- Меҳнат ҳақи фондига нисбатан ягона ижтимоий тўловдан ажратмлар;
- Аҳоли иш ҳақи фондидан мажбурий сугурта мукофотлари;
- Товар (хизмат, иш)ларнинг сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар;
- Бошқа даромадлар;
- Давлат бюджетидан дотация;
- Давлат Мулкани хусусийлаштиришдан тушумлар;
- Йил охирида Республика йўл фонди қолдиқ маблағлари ҳисобидан тушум;

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-2009 йилдаги Ўз.Р.Давлат бюджетининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари тўғрисидаги (ПҚ-532, ПҚ-744, ПҚ-1024, ПҚ-1245) қарорлари

Бугунги кунда мамлакатнинг молиявий ҳолатини соғломлаш-тириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар биринчи дара-жали аҳамиятга кўтарилмоқда. Бюджетдан ташқари фондлар мар-казий ёки маҳаллий ҳукумат органлари тасарруфида бўлган ва мақсадли йўналтирилган молиявий воситалар йиғиндисини ифода-лайди. Бундай масалаларни ҳал қилишда Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ўрни бениҳоя катта бўлмоқда.

Мақсадли жамғармалар молиявий захиралар ролини бажариш орқали республика ва маҳаллий ҳукумат органлари томонидан молиявий

кийинчиликлар сезилган ҳолларда бундай жамғар-малардан фойдаланиш имкониятларига эга бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ривож-ланишини таъминловчи иқтисодий рағбатлантириш механизми такомиллаштирилмоқда.

Қуйидаги жадвалда қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларининг асосий йўналишлари тўғрисида маълумот берилган.

**-жадвал**

**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг асосий  
йўналишлари**

	<b>Харажатлар</b>
1	Фуқароларга ижтимоий таъминот органлари томонидан тайинлан-диган пенсиялар
2	Болалиқдан ногиронларга, давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар
3	Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик учун нафақалар, хомиладорлик ва туғиш нафақалари
4	Корхона тугатилганда, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига учраган ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга зарарни қоплаш учун тўланадиган тўловлар
5	Бола туғилганда бериладиган нафақалар
6	Дафн маросими нафақалари
7	Вояга етмаган ногирон боланинг ота-оналарига қўшимча тўлов
8	Қонун ҳужжатларига мувофиқ Пенсия жамғармасидан маблағ билан таъминланадиган бошқа ижтимоий тўловлар

*Манба. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 444-сон «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 2-сон. 12-бет.*

Қуйидаги жадвалдан биз айрим мамлакатларнинг пенсияга чиқиш ва ўртача яшаш ёши тўғрисида маълумот олишимиз мумкин бўлади.

### Айрим мамлакатларнинг пенсияга чиқиш ва ўртача яшаш ёши

№	мамлакатлар	Пенсияга чиқиш ёши		Ўртача яшаш ёши	
		эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
1.	Япония	65	65	77	83
2.	Швеция	65	65	76	82
3.	Франция	60	60	74	82
4.	АҚШ	65	65	74	80
5.	Великобритания	65	60	74	80
6.	Дания	67	67	73	78
7.	Литва	62.5	60	65	70
8.	Озарбайджон	62	57	65	74
9.	Латвия	61.5	58.5	63	76
10.	Россия	60	55	59	73
11.	Қозоғистон	63	58	60	73

Манба: В.В.Ильин, Н.А.Сердюкова “К вопросу об эффективности пенсионной реформы” Финансы №5-2007 49 б.

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пенсия жамғармаси харажатлари таркибида асосий ўринни Ишламаётган пенсионерларга пенсия тўловлари эгаллаган. Яъни 2007 йилда бу кўрсаткич 89,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб 93,9 фоиз бўлиши кутилмоқда. Буни қуйидаги диаграммалардан ҳам кузатишимиз мумкин. Пенсия жамғармаси харажатлари 2007 йилда 1833750.1 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 5326015.7 млн сўм режалаштирилган. (1-иловага қаранг)



-жадвал

**Ўбекистон Республикаси Пенсия жамғармасининг харажатлар**

<b>Т/р</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2007</b>	<b>2008</b>	<b>2009</b>	<b>2010</b>
	Харажатлар барчаси	100	100	100	100
1	Ишламаётган пенсионерларга пенсия тўловлари	89,7	90	84,9	93.9
2	Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлови	4,3	4,6	4,7	5.5
3	Коммунал тўловлари бўйича пул товонлари	1,4	1,5	1,4	

**ТИЗИМИ**

4	Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, бола туғилиши билан боғлиқ бўлган хомиладорлик бўйича нафақа ва бола туғилиши нафақаси ва дафн маросимлари учун нафақа.	3,6	3,9	3,2	0.2
5	Бошқа харажатлар	0,03	0,02	0,02	0.02
6	Йил охирида қолдиқ маблағлар	1,0	0,05	5,8	0.4

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошқа мақсадли жамғармаларга нисбатан самаралироқ фаолият олиб бормоқда. Бу ҳолатни, шаклланаётган даромадлар таркиби ва маблағлардан мақсадли фойдаланишни кучайтиришда бир қатор ижобий ўзгаришларда кўринишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларнинг талаблари ва эҳтиёжига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда”, - Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 40-бет.

### **3.Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ташкил этишининг хориж тажрибаси ва мамлакатимизда қўллаш имкониятлари.**

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланган давлатлар даражаси томон тараққиётини таъминлаш пенсия таъминоти тизимини тубдан ислоҳ қилишни талаб этадики, у ижтимоий суғурта функциясини бажаради ва нодавлат муассасалар ролини оширишни ва шу билан бирга мажбурийлик ва бир-дамлик шартлари сақланиб қолишини тақозо этади. Бунда пенсия суғуртаси тизимининг ислоҳотлари амалдаги пенсияларни молиялаштириш тамойилидан меҳнаткашларни мажбурий пенсия жамғармалари ҳисобидан молиялаштиришга ўтилиши билан бирга бориш лозим.

Ижтимоий пенсия тизимининг такомиллаштиришга муҳтож жиҳатлари қаторига ташкилий ва молиявий масалалар ҳам киради. Пенсия тизимини номарказлаштириш ва бозор иқтисодиётига хос тизимини шакллантириш меҳнат қобилиятини йўқотишни молиявий қоплаш тизимни ишлаб чиқиш билан биргаликда сифатли ижтимоий хизматларни таъминлаш ва ижтимоий инфратузилмани вужудга келтиришни тақозо этади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси давлат томонидан жамият эҳтиёжларини мустақил, комплекс равишда харажат қи-лиш учун жалб этилган маблағларни қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлардир. Мамлакатда бугунги кунда амалга оширилган чора-тадбирлар пенсия тизимининг қуйидаги молиявий муаммоларни тўлиқ ҳал қилиш имконини бермаяпти:

- пенсия жамғармасига мажбурий бадалларни ўз вақтида тўламаслик;
- пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадга мувофиқ бўл-маган нафақалар тўлаш амалиётининг давом этаётганлиги;
- имтиёзли пенсия олувчилар сонининг ортиб бораётганлиги;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар сони ортгани

билан, уларнинг жамғармада кам иштирок этаётганлиги;

- меҳнатга лаёқатли аҳолининг барчаси мазкур жамғарма маблағларини шакллантиришда иштирок этаётганлиги.

Хорижий мамлакатлардаги моделларда бюджетдан ташқари пенсия фондлари жамғариб бориладиган хусусий пенсия тизими, давлат ижтимоий суғурта фондлари, мажбурий тиббий суғурта фондлари, аҳоли бандлиги фондлари кўринишида ифодаланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг пенсия тизимидаги асосий муаммолари бир хил: улар пенсияга чиқиш ёши-нинг барвақтлиги, бюджетга даромадларнинг тўлиқ тушмаслиги, пенсия тўловлари учун харажатларнинг катталиги, имтиёзли пенсияларнинг мавжудлиги, пенсияларга инфляциянинг таъсиридан иборат. Аҳолининг қариши, туғилишнинг камайиши каби демо-график муаммолар аҳолининг фаол қисми билан пенсионерлар ўрта-сидаги нисбатнинг бузилишига олиб келса, инфляциянинг юқори даражаси ишсизликнинг кўпайиши, давлат бюджети тақчиллиги каби иқтисодий омилларга кучли таъсир этади.

Маълумки, пенсия тўловлари «авлодлар бирдамлиги» тамойи-лига асосланган, яъни пенсиялар ишлаётганларнинг бадаллари ҳисобига тўлаб борилади. Шунинг учун пенсионерлар ва иш-лаётган фуқаролар сони ўртасида маълум бир мувозанат бўлиши керак. Лекин республикамиздаги демографик ҳолат ва ишсизлар сонининг ортиб бориши натижасида келажакда бу мувозанат бузилиши мумкин.

Мустақилликка эришган мамлакатлар пенсия тизимида ўтказилаётган ислохотларга ёрдам бериш мақсадида Лондондаги иқти-сод мактабида Пол Жонсон томонидан компьютерда ушбу тизим-ни такомиллаштиришнинг модели яратилди. Бу модел Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожлантириш институтини консультант-лари томонидан Қозоғистон Республикасида синаб кўрилди. Тақ-дим қилинган модел ёрдамида 1995 йилдан 2075 йилгача йиллик прогнозлар қилинди, ушбу

модел ёрдамида ҳар хил параметрлар ва комбинациялар билан келгуси даврлар учун хулосалар қилиш имкони яратилади<sup>5</sup>.

Мазкур модел иккиламчи пенсия фондларини жалб қилиш йўли билан пенсия тизимини фундаментал қайта қуриш йўлини кўрсатди. Моделда Жаҳон банки маълумотлари асосидаги аҳоли таркиби ўзгармас элемент бўлади. Пенсияларнинг умумий сони, бадал тўловчиларнинг сони, ўртача иш ҳақи, ўртача пенсия миқдори, пенсияни молиялаштириш учун керак бўладиган ажратмалар ставкаси ўзгаради. Агар шу параметрлар ҳар йилга киритилса, 2075 йилгача бўлган давр учун таҳлил натижаларини олиш мумкин.

Мазкур моделда хулоса сифатида ҳар йилги пенсия тизи-мини молиялаштириш учун керак бўладиган бадал ставкалари, пенсионерлар билан бадал тўловчилар ўртасидаги муносабат, ҳар йилги пенсияларнинг бошланғич йилдаги пенсияга нисбатан реал қиймати, ҳар йилги давлат, хусусий ва комбинациялашган тизим-даги ўртача пенсия миқдори, бадал ставкалари каби маълумотлар аниқланади. Шу ўринда Жаҳон банки мутахассисларининг баъзи таклифлари асосида пенсия ёшини аста-секин эркақлар учун 65 ёшга, аёллар учун 60 ёшга кўтариш кўзда тутилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ривожланган мамлакатларда давлат пенсия таъминоти тизими билан бир қаторда давлат тасар-руфида бўлмаган хусусий пенсия таъминоти ҳам мавжуд бўлган. Унинг зарурлиги куйидаги икки асосий сабаблардан келиб чиқади<sup>6</sup>.

Биринчидан, бозор муносабатлари ва демократия фуқаро-ларга кўпроқ эркинлик ва давлат тасарруфидан мустақилроқ бўлиш имконини бериш билан бир қаторда, уларга ўз ҳаётларини фаровонлаштириш, шу жумладан, ижтимоий жиҳатдан таъминла-ниш борасида катта масъулият юклайди.

---

<sup>5</sup> Қосимова Г.А, Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2009. - 202 б.

<sup>6</sup> Қосимова Г.А, Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2009. - 202 б.

Иккинчидан, ҳар бир давлатнинг, у қанчалик ривожланган ва бой бўлишидан қатъий назар, молиявий имкониятларининг чегараси мавжуд. Давлат фуқароларни, улар меҳнат қобилият-ларини йўқотгунларига қадар бўлган ижтимоий ҳимояланганлик даражасида ижтимоий таъминлаш имконига эга эмас. Шунинг учун ҳар бир давлат фуқароларнинг ижтимоий таъминланганлик даражасини ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Амалдаги пенсия тизими кескин ислоҳотларни жадал давом эт-тириш, Пенсия жағармаси балансида юзага келадиган тақчил-ликни бартараф қилиш ва ижобий қолдиққа эришиш имконият-ларини беради.

Кўпгина мамлакатлар ўтиш даври иқтисодиётида бир қатор пенсия ислоҳотларини амалга оширдилар. Чехияда пенсия билан таъминлашни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари зарарли ва оғир меҳнат учун имтиёзларни бекор қилиш, иш юритувчиларнинг суғурта қилинган бадалларига қўшимча бадаллар киритиш, тўлан-ган бадаллар ва олинган пенсиялар ўртасидаги алоқани кучайти-риш, кўп режали суғурта тизимини ривожлантириш, индивидуал пенсия режалари имкониятларини кенгайтириш, пенсия ёшини эркақлар ва аёллар учун 2015-2020 йилларда 65 ёшгача оширишдан иборат эди. «Қозоғистонда амалга оширилаётган пенсия ислоҳот-лари тезкор, кескин ва самаралилиги билан ажралиб туради. Ислоҳотлар натижаси билан тизим таркиби уч йил давомида ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Давлат пенсия ислоҳотларини мақсадли йўналтиришга интилса ва эътиборни уни амалда татбиқ этишга қаратса, халқаро техник ёрдам ташкилотлари (USAID) ва халқаро кредит агентликлари билан ҳамкорликдан қандай натижаларга эришиш мумкинлигини ифодалайди»<sup>1</sup>. Айни пайтда пенсия исло-хоти бўйича эришилган ютуқлар, шунингдек, у билан боғлиқ муам-молар ва келажакда юзага чиқиши мумкин бўлган қийинчиликлар муҳокама қилинмоқда.

---

<sup>1</sup> Павлов С. Финансово-экономическая политика Казахстана в условиях трансформации экономики. // Вестник Казахстана. Алматы. 2005. №7. -3стр.

XIX асрнинг 90-йиллари ва XX асрнинг 20-йиллари охиригача бўлган даврни пенсия тизими ривожланишининг биринчи босқичи дейиш мумкин. Дастлабки пенсия жамғармалари суғурта бадаллари кўринишида шаклланган. Ишловчининг суғурта бадалларини тўлаш имконияти унинг бу тизимда иштирок этишини таъминлаб берган. Шу туфайли унда иштирок этиш фақат ишлайдиган эркаклар ва уларнинг оила аъзолари билан чегараланган. Шундай қилиб, пенсия олиш ҳуқуқи суғурталанган шахснинг бадаллар тўлашининг аниқ шартлари билан узвий боғланган ҳолда тизимнинг қамраб олиш со-ҳаси чекланган бўлиб, тўланадиган пенсия миқдори юқори бўлмаган.

Биринчи босқичнинг муҳим жиҳати, ўзаро ёрдам ва фуқаро-ларга тиббий хизмат кўрсатилиши бўлди. Бу борадаги тарихий қадам XIX асрнинг охирида қўйилди, яъни Бисмарк бошқараётган Германия ҳукумати саноатда ишловчилар учун мажбурий ижти-мой суғурта тизимини киритди. Бу тизим касаллик бўйича (1883й), ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар рўй берган ҳолат-ларда (1884й), ногиронлик ва қарилик (1889й) бўйича таъми-нотларни ўз ичига олди (LAYG) 2.

---

<sup>2</sup> Қаранг. Reichsgesetz betreffend die Invalidity und Alterssicherung vom 22.06/1889-(LAYG)». Рейховский закон по обеспечению в случае инвалидности и по старости. Он был призван дать право рабочему претендовать на пенсию, если он становился инвалидом или стар».

## Хулоса

Курс ишини ёзиш жараёнида қуйидаги хулосаларга эришдик:

1. Ўзбекистонда пенсия таъминоти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг муҳим таркибий қисмларидан биридир, чунки у деярли барча фуқароларнинг ҳаётини манфаатлари билан боғлиқдирки, фуқаролар меҳнат қобилиятларини йўқотганларида шу тизим орқали ижтимоий ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидлангани-дек, ҳар ким қариганида, меҳнат лаёқатини йўқотганида, шунинг-дек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

2. Пенсия - ижтимоий таъминотнинг, кексалар ва меҳнатга қобилиятсиз кишиларга моддий ёрдам кўрсатишнинг энг асосий ва энг оммавий туридир. Пенсия таъминоти барча мамлакатларда ижтимоий дастурларнинг муҳим таркибий қисми саналади. Бугунги кунда Ер юзида ёрдамга муҳтож миллионлаб кишиларнинг энг зарур эҳтиёжлари пенсия тўловлари орқали қондирилади.

3. Жаҳон амалиётида пенсия тизимларининг иккита асосий тури мавжуддир:

- ҳамжиҳат масъулият тизими, бунда ишлаётган авлод аввалги авлоднинг пенсияларини тўлашни маблағ билан таъминлаш учун бадал тўлайди (ўз навбатида кейинги авлод ҳозирги вақтда ишлаётган авлоднинг пенсияларини тўлашни маблағ билан таъминлашни йўлга қўяди);

- жамғарма тизимлари, бунда ҳар бир ишловчи ўз меҳнат фаолияти давомида ўзининг қариллик даврини таъминлаш учун маблағ йиғиши лозим.

4. Пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ва қўйи ижтимоий таъминот идоралари зиммасидадир.

5. Пенсия таъминоти тизими олдида учта муҳим мақсад туради:



- фуқароларни кексайганда қашшоқликдан ҳимоялаш;
- меҳнат фаолияти тугаши билан пенсияга чиқиш олдидан тўланадиган иш ҳақиға мутаносиб тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш;
- келажакда пенсия тизими орқали фуқарони турмуш даражасини яхшилашдан иборат.

6. Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этишнинг асосий сабаби, давлатнинг пенсияга оид мажбуриятларни бажариши учун молиявий ресурсларнинг етишмаслигидир ва бу муаммо аҳолининг кексайиб боришига мувофиқ кучайиб, мураккаблашиб боради ва мамлакатларда вужудга келган иқтисодий, ижтимоий ва демографик вазиятлардан келиб чиққан ҳолда аҳамият касб этади. Мамлакатлар узоқ муддатли истиқболда пенсия тизими барқарорлигини яхшилашга йўналтирилган бир қатор муҳим қадамларни қўймоқдалар.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., Ўзбекистон 2008..
2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 6-сон. 15-бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 6-сон. 19-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1024-сон Қарори.
5. “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-1245 сонли Президент Қарори. 22 декабр 2009 йил.
6. “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-1449 сонли Президент Қарори. 24 декабр 2010 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сон «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 2-сон. 12-бет.
8. 10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги 498-сон Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 2-сон. 18-бет.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 490-сон Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2008. 2-сон. 31-бет.

10. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон. 1995. -119б.

11. Ваҳобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. Дарслик. Янги аср авлоди. 2003. -344б.

12. Ваҳобов А. Бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар. // Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси. 2001. №10/11. 16-20б.

13. Қосимова. Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати. Монография. Молия. Т., 2004. -152 б.

14. Қосимова Г.А. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. –Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2007. -148 б.

15. Аудрюс Битинас. Причины реформ пенсионной системы современной Литвы. // Социальный вестник. Москва. 2007. №5. -13стр.

16. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. Учебник. – Москва: ЮНИТИ. 2001. -687стр.

17. <http://www.tfi.uz>

18. <http://www.norma.uz>

19. <http://www.mf.uz>

Тошкент молия институти Лойихаларни молиялаштириш факультети 4 курс ИЛМ-65 гуруҳи талабаси Шеранов Аскарали Абдуваитовичнинг “Ўзбекистон Республикасида жамғарма пенсия фонди ва уни самарали бошқариш усуллари” мавзусида ёзган курс ишига

### ТАҚРИЗ

Талаба Шеранов А..нинг курс иши Ўзбекистон Республикасида жамғарма пенсия фонди ва уни самарали бошқариш усулларига бағишланган бўлиб, у кириш, учта савол, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати каби қисмлардан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг бугунги кундаги аҳамияти ва мақсади ёритиб берилган.

Курс ишининг асосий қисмида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ташкил этиш зарурлиги ва ҳуқуқий асослари, Пенсия жамғармасининг даромадлари шаклланиш манбалари ва харажатлари йуналишининг тахлили, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ташкил этишнинг хориж тажрибаси ва мамлакатимизда қўллаш имкониятлари, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

Курс ишини ёзишда талаба Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Молия вазирлиги меъёрий ҳужжатларидан, шунингдек мавзуга оид чизмалар, статистик маълумотлар, жадваллардан фойдаланилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, талаба Шеранов А.нинг “Ўзбекистон Республикасида жамғарма пенсия фонди ва уни самарали бошқариш усуллари” мавзусида ёзилган курс иши ҳимоя қилиш учун тавсия этилади.

Илмий раҳбар

Н.Сафарова